



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2010 йил 8 июль, Пайшанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (11.693)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI** садоси  
аср  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Тиббиёт қонунчилигида фаннинг амалиёт билан бирлиги масалалари: муаммо ва ечимлар» мавзусида анжуман ўтказилди.

• Гулистон шаҳрида «Микрокредит-банк» очик акциядорлик тижорат банки ва Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга бағишланган «Ёш тадбиркор – юртга мадакор» мавзусида семинар ташкил этилди.

• «Бухоро» халқаро аэропорти ўтган йили халқаро «Аэропорт» ассоциацияси томонидан МДХ мамлакатлари ўртасида энг яхши аэропорт, деб топилган эди. Яқинда «Бухоро» халқаро аэропорти 2009 йилги кўрсаткичлари учун мазкур ассоциация ташкил этган навбатдаги танловда «Барқарор ривожланаётган аэропорт» номинацияси бўйича голиб чиқиб, соvrин билан тақдирланди.

• Қарши санъат коллежиди «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Наманган шаҳрида вилоят Адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ФХДЁ ва нотариал идоралар, суд тиббий экспертиза бюроси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

• Наманганда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи вилоят Кенгашига қарашли автомобиль мактабиди армияга чақирилувчи ёшлар ўртасида кўпкураш бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

• Марҳамат туманида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда 43 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 91 та иш ўрнини таклиф этди. Тадбир якунига кўра 73 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Тадбир доирасида шунингдек, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари битирувчилари учун «Очик эшиклар кунин» ҳам бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• Мамлакат католик черкови воситачилигида Испания ташқи ишлар вазири Мигель Анхел Моратинеснинг Куба давлати раҳбари Раул Кастро ҳамда мамлакат ташқи ишлар вазири Бруно Родригес билан ЕИнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатида мувофиқ ўтказган музокаралари натижаси ўлароқ Кубадаги қамоқхоналарда сақланаётган 52 нафар сиёсий маҳбус озодликка чиқариладиган бўлди.

• Туркия Конституциявий суди мамлакат бош вазири Р.Эрдоган томонидан тайёрланган Конституцияга киритиладиган ўзгаришларнинг асосий қисмини қўллаб-қувватлади ва ўзгаришлар тўғрисида бекор қилиш тўғрисидаги муҳолифат даъвоси қабул қилинмади. Энди Туркия Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар 12 сентябрда ўтказиладиган референдумга қўйилди.

• БМТ Бош ассамблеясида сўзга чиққан Буюк Британия қироличаси Елизавета I Бирлашган Миллатлар Ташкилотини глобал хавфларга фаолроқ қарши туришга чақирди. Қироличанинг таъкидлашича, БМТ ўзининг миллатлар етакчиси сифатидаги мақомини иқлимнинг ўзгариши ва терроризм каби бутунжаҳон муаммоларига қарши курашда кўрсатиши керак.

• Кеча Перу ҳукумати мамлакатда 90 кунлик фавқулодда вазият жорий этилганини эълон қилди. Бунга сабаб «Caudalosa Grande» тоғ-кон комплексига қарашли чиқиндиларни сақлаш омбори дамбасининг бузилиши оқибатида захарли чиқиндиларнинг Ункавелика округига тарқалиши бўлди. Ҳукумат вакилларининг таъкидлашича, захарли чиқиндилар ҳалокат жойидан 70 километр радиусдаги табиат ва жониворларга жиддий зарар етказган.

• Украина адлия вазири «Ведущая сила» номли янги сиёсий партияни рўйхатдан ўтказди.

**Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шаҳар-қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Жумладан, Тошкентнинг таровати, муҳташам иншоотлари, хушманзара табиати ва сўлим гўшалари ҳамда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик хорижий сайёҳларни тобора кўп жалб этмоқда. ЎЗА мухбирлари пойтахтимизнинг тарихий обидалари ва замонавий иншоотлари, музейлари ва гўзал хиёбонларини томоша қилаётган хорижлик сайёҳларнинг айримлари билан суҳбатлашди.**

## Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

### МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАНДИР

**Жузеппе МАРТИНИ (Италия):**

— Ўзбекистонга илк саёхатим жуда мазмунли ўтмоқда. Самолётдан тушишим билан юртингизнинг илқ тафти, халқингизнинг меҳмондўстлиги эътиборимни тортди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида кўп эшитганман, уларни ўз кўзим билан кўриш орзуми эди. Ниҳоят, орзуми ушлаганидан, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилиш имкони туғилганидан жуда хурсандман.

Ўзбекистон кўчаларидаги хилма-хил замонавий машиналарга кўзим тушиб, бу ерда автомобил-созлик соҳаси юксак даражада тараққий этаётганига гувоҳ бўлдим. Шаҳарларда хизмат кўрсатиш савияси жуда юксак. Мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик Ўзбекистоннинг энг катта ютуқларидандир.

**Масъуд ҲОШИМ (Кувайт):**

— Мамлакатингизга беш йил аввал келган эдим. Бу сафар Тошкентни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, янгича чирой оғанини кўриб, лол қолдим. Ўзбекистон сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётганига ва улар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимининг йил сайин кенгайиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир. Мамлакатингизнинг бо-

зорлари ўзининг батариблиги, озодлиги ва тўқинлиги билан ажралиб туради. Уларда истаган нарсани топиш мумкинлиги, маҳсулотлар сероблиги, кўзни қамаштирувчи миллий ва замонавий либослар, хилма-хил хунармандлик буюмлари бисёрлиги киши ақлини шоширади.

Мамлакатингиз раҳбари Ислон Қаримов томонидан ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Халқингиз мустақилликка эришгач, юртингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Яратилган мамлакатингизнинг янада тараққий этиши ва гуллаб-яшнашини сўрайман!

**Ким Му ЖОНГ (Корея Республикаси):**

— 2007 йили Шарқ гавҳари бўлмиш Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш шарафига муяссар бўлган эдим. Инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этувчи, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аъёнларини тарғиб этиш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу фестивал тили, маданияти, миллий қадриятлари хилма-хил миллат ва элатларни санъат воситаси билан муштарак мақсадлар йўлида бир-бирига яқинлаштиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўшанда Самарқандни, унинг донғи кетган бебаҳо меъморий обидаларини кўриш имконига эга бўлгандим. Бу гўзал шаҳарнинг ҳар бир қарич ерида тарих мўжассам. Айниқса, шаҳарда замонавий ва миллий руҳни ўзида уйғунлаштирган муҳташам иншоотлар ва кўркам биноларни, серфайз хиёбон ҳамда сайилгоҳларни, жумладан, муазам ва тарихий майдон —

Регистонни томоша қилиб тўймайсан, киши.

**Микаелос АВГУЕЛОС (Греция):**

— Ўзбекистонга илк бор келган бўлсам-да, мамлакатингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китобларни ўқиганман. Биз Ўзбекистонни жаҳон илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган юрт сифатида билмаиз. Мамлакатингизда барча соҳалар сингари таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-маданий жабҳалар ҳам изчил ривожланмоқда. Чекка қишлоқларда ҳам ёш авлоднинг пухта билим олиши учун яратилган қўлай шароит ва имкониятлар билан танишиб, бу юртда ёшларга қаратилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборга ҳавасим келди.

Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойлар, айниқса, музей ва галерейлар мени жуда ҳайратта солди. Маҳобатли иншоотлар, мақбаралар, масжид ва муқаддас қадимжоларнинг гўзаллигини таърифлашга сўз ожиз. Айни пайтда мамлакатингизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар бераётган самаралар ҳам қувонарлиқдир. Бу заминда яшаб, ижод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улғу алломалар дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган.

Сўнги ойларида Ўзбекистон қатор йирик халқаро анжуманларга мезбонлик қилаётир. Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити каби нуфузли тадбирлар шулар жумласидандир. Бундай йирик анжуманларнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилгани мамлакатингизнинг халқаро обрўини ошиб бораётганидан далолатдир.

**Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди**



## Матбаа ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

**Мамлакатимиз матбаачилигини халқаро даражага етказиш борасида кейинги йилларда кўп ишлар қилинди. Бу борада «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи яққол мисол бўла олади.**



Корхонада сифат ўзгаришлари ва янгилашлар авваломбор замонавий технологиялар жорий қилиниши туфайли юзага келди. Кейинги йилларда буюртмаларнинг кўпайиб, иш ҳажми ортиб боришида Германия ва Италиянинг соҳада машҳур компанияларидан «Speermaster-102» русумдаги рангли дастгоҳлар, «КВА-Rapida» босма ускунаси, кичик ҳажмдаги китобларни чоп этишга мўлжалланган «Presto» ҳамда газетига ихтисослашган «Starlein-30» дастгоҳлари муҳим ўрин тутмоқда.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижаси ўлароқ корхоналарда замонавий технологиялар жорий этилиб, тежамкор, тўлиқ компьютерлаштирилган ускуналар билан жиҳозланмоқда, — дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажонов. — Матбаачилик соҳаси ҳам шитоб билан ривожланмоқда. Авваллари ҳаттоки тасаввур ҳам қилмаган техникалар бугунги кунда деярли ҳар бир соҳага кириб келмоқда. Замонавийлик — бу, албатта, давр талаби. Замон билан ҳамнафас бўлиш борасида юксак технологик ли-

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
Козим Ўлмасов олган суратлар

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида «Юзта япон киноси» кўргазмаси очилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** илмий-амалий кутубхонасида педагогик олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари учун семинар бўлиб ўтди.

✓ **«БИЗНЕС** — хизмат кўрсатиш» Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси шаҳар бошқармаси томонидан ушбу мавзуда семинар ташкил этилди.

## Битирувчи-2010

## ЁШЛИКНИНГ БЕБАҶО ДАМЛАРИ

Талабалик олтин давр дейдилар. Ёшликнинг энг бебаҶо, унутилмас ва бахтиёр дамлари талабалик йиллари, десак адашмаймиз. Мана шу олтинга қиёс палла билан хайрлашиш онлари эса ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонлидир.

Олий ва ўрта махсус ўқув юрларида битирувчиларга диплом топириш маросимлари тантанали равишда ўтказилди. Кунги кеча шундай тадбир Тошкент автомобиль ва йўллар институтидида ҳам бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан институт ректори Мурод Икромов битирувчиларнинг келгусида ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб етишиб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий тиричилик ривожига муносиб ҳисса қўшишга тилак билдирди.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти Марказий Осий минтақасида мазкур соҳа бўйича ягона олий ўқув даргоҳи ҳисобланади. Институт 1972 йилда ташкил топган.

— Институтда 3594 талаба ва 198 магистрант таҳсил олади. Бу йили магистратура босқичини 98 та, бакалаврият босқичини 821 нафар ўғил-қизлар битириб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Шундан 72 нафари имтиёзли диплом олди, — деди проректор Абдурахим Абдурахмонов. — Ишон-



чимиз комилки, битирувчиларимизнинг ҳар бири келгусида ўзи интиланган, ўзи мақсад қилган соҳада иш фаолиятини бошлаб, институтда олган билим ва кўникмаларини намойиш этади.

Тантанали маросимда ўқитувчилар ва ота-оналар ёшларга эзгу тилаклар билдиришди. Битирувчилар ҳам сўзга чиқиб, ав-

вало Юртбошимизга, шунингдек таълим берган устозларига чуқур миннатдорчилик иҳзор этишди. Институт бадий жамоаси томонидан тайёрланган дилрабо куй-қўшиқ, жозибали рақслар дастури тадбирга янада файз қўшди.

Дилором ИКРОМОВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

Пойтахтимиздаги Япон боғида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ва «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган туркум тадбирлар ойланининг ўзига хос якуни сифатида болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

## ОЙЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал салоҳияти тўла юзага чиқиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятида устувор ўрин тутди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ойллик мобайнида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ватанимиз тарихи» мавзусида хайрия акцияси бўлиб ўтди. Болаларни тарихимиз, қадимий меъморий обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида диққатга сазовор жойларга экскурсиялар ташкил этилди. Айтилган Мехрибонлик уйларида тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари учун цирк санъати усталари иштирокида музикий дастурлар, концертлар, ёш ижодкорлар асарлари кўрсатилди, спорт мусобақалари, интеллектуал беллашувлар ўтказилди.

Хайрия тадбирида санъат усталари ва ижрочи ёшлар, болалар бадий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари, эколог олимлар ҳамда ўқувчи-ёшлар тақдир этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, уларда она табиатга меҳр уйғотиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг экологик билимини бойитишга қаратилган «Атрофимиздаги олам», «Одобнома», «Ботаника», «Биология», «География» каби фанлар пухта ўқитилиб, турли экологик ҳафталиклар, анжуманлар, кўрик-тан-

## ТАБИАТ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидаги филиалларида «Ёш табиатшунослар», «Дори-вор ўсимликлар», «Табиат ва сув» каби йиғирмадан ортиқ йўналишдаги тўғрақларга қарийб 87 минг нафар ўғил-қиз жалб қилинган. Машғулотлар билан бирга турли экологик лойиҳалар, фестиваллар, табиат кўриқхоналари, музейлар

ловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бу йўналишдаги эзгу ишлар ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида ҳам давом этаётди. Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидаги филиалларида «Ёш табиатшунослар», «Дори-вор ўсимликлар», «Табиат ва сув» каби йиғирмадан ортиқ йўналишдаги тўғрақларга қарийб 87 минг нафар ўғил-қиз жалб қилинган. Машғулотлар билан бирга турли экологик лойиҳалар, фестиваллар, табиат кўриқхоналари, музейлар

ҳамда истироҳат боғларига саёҳатлар ташкил этилмоқда. Бу эса болаларнинг экологик билим ва кўникмаларининг бойишига хизмат қилаётди.

Анжуманда ўқувчиларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлиги, табиат бойликлари ва уларни муҳофаза қилиш, сувдан оқилона фойдаланиш сингари долзарб мавзуларда ижодий ишлари ва иншолари муҳокамә этилди. Ўттизга яқин энг яхши ижодий иш муаллифларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## Семинарлар

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури ваколатхонаси (ПРООН) томонидан ички ишлар идоралари ходимлари учун семинар-тренинг ўтказилди.

Ҳар бир жиноятчи ҳуқуқий асослари барқарор жамиятда ўз жазосини олиши муқаррар, лекин жиноятчиға ҳукм ўқилгандан сўнг унинг кейинги, яъни жазо муддатини ўташ вақтидаги тақдирини ҳам қонунлари одил демократик давлатда муҳофаза қилиниши зарур. Шу мақсадда ўтказилган тадбирда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳар қандай шароитда ҳам муҳим, гарчи у жиноятчи бўлса ҳам, уни жазолашдан кўра тарбиялаш устувор масалалардан бири бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Семинарда халқаро экспертлар томонидан ҳуқуқий принциплар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга республикада катта эътибор берилди, — деди

Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиги Азиз Эрнарзоров. — Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармонлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Семинарнинг асосий мақсади ҳорижий давлатларда ушбу масалага қаратилган тадбир билан танишиб, фикр алмашишдир. Экспертларнинг шахсий кузатувлари асосидаги мулоҳазаларини тинглаб, айтиш мумкинки, биз нафақат улардан ўрганишимиз, балки бизнинг ҳам бу борада олиб бораётган сиёсатимиздан улар ҳам ўрганиши, андоза олиши лозим. Семинар-тренинг барча иштирокчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Навоий вилоятларида ҳам шу мавзуда бошланғич тренинг машғулоти ўтказилди.

Наргиза АСАДОВА,  
«Туркистон-пресс»

Тошкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан назорат қилувчи идоралар томонидан қонунларга риоя этилиши масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг изчиллигини намойиш этади, десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказилаётган текширишлар давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш ва прокуратура органларига юбориш тўғрисидаги тартиблар жорий этилган.

Семинарда назорат идоралари фаолиятининг қонунийлиги устидан мунтазам ва мақсадли назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан текширишлар ўтказиб борилаётганлиги, аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан прокурорлик назорати қўлланилаётгани ҳақида тўхталиб ўтилди.

— Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, — дейди шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Комилжон Фуломов, — ўтган йили назорат идораларида 121 та текшириш ўтказилди. Шаҳар прокуратураси томонидан қонунбузилишига йўл қўймаслик, аниқланган ҳолатларни барқарор этиш юзасидан 131 та тақдимнома, нотўғри тузилган ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонун талабига мослаштириш юзасидан 159 та протест киритилди. Қонунбузилишлар-

Жамият ва давлат қурилишида қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари устувор ҳисобланади.

га чек қўйиш мақсадида 112 шахс огоҳлантирилди, 211 нафари интизомий ва 36 нафари — маъмурий жавобгарликка тортилди, шунингдек 19 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи З. Ибрагимов, СВОЖДЛҚК департаменти

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

шаҳар бўлими бошлиғи в.б. Ў.Ўтаев, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи в.б. Б. Мирханов, шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари А. Мустафин ўз соҳаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот бериб, муаммо ва камчиликлар устида ҳам тўхталиб ўтишди.

— Ўтган вақт давомида шаҳар ва туман прокуратуралари билан ҳамкорликда умумий оқатланиш объектларининг санитар-техник ҳолати, ташқи кўри-нишини тартибга солиш бўйича анча ижодий ишлар қилинди, — деди шаҳар давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази бош шифокори Д. Алимҳамедов. — Шу билан бирга тегишли тартибда 25 та

объектнинг иш фаолияти мавжуд камчиликларни барқарор этиш учун вақтинча тўхтатиб қўйилди, ошхоналарнинг олдида ноконуний ўрнатиб олинган 67 та қурилма олиб ташланди, 1371 та объект ҳолати яхшиланди. Санитария меъёри ва тартибларига риоя этиш юзасидан аниқланган камчиликлар

учун 5160 фуқаро ва масъул шахсга нисбатан 273,9 миллион сўм миқдорда жараима қўлла-нилди, 1051 нафар шахс белгиланган муддатларда тиббий кўриқдан ўтмаганлиги учун ишдан четлаштирилди.

Тошкент шаҳар прокуратури вазифасини бажарувчи, адлия катта маслаҳатчиси М. Мирзаев ушбу семинар мақсадида уруғ бериб, тўхталиб, суд-қуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳақида, қабул қилинаётган қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти юзасидан жойларда тушунтириш ишларини фаоллаштириш, қонун талабларининг тўғри ва тўлиқ бажарилишига эришиш, ушбу йўналишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезкорлик билан барқарор этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинар давомида қўллаб-қувватловчи раҳбарлар, савол-жавоблар бўлди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

## Иқтисодиёт

## ПИСТА ЁҒИ ҚАДОҚЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган юксак эътибор, соҳа вакиллари учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар уларнинг сафи тобора кенгайиб, ўзига бўлган ишончини ҳам ортиб боришига асос бўлмоқда.

Ички бозор маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан деярли тўлдирилган борилаётгани, бунинг асосида бандлик масаласи ҳам ечим топаётганида кичик ва хусусий бизнеснинг ўрни алоҳидадир.

«Salim Agro invest» масъулияти чекланган жамияти жорий йил бошида фаолиятини бошлади. Бу ерда тадбиркорлик билан олиб борилган изланишлар қисқа вақт ичида ўз самарасини бермоқда.

— Аввало бозорни ўрганиб, — дейди корхона директори Миракбар Шожалилов. — Рўзгорда зарур бўлган ва инсон саломатлиги учун фойдали писта ёғи ишлаб чиқариш ва қадоқлашни йўлга қўйиш мақсадида Россиядан керакли дастгоҳлар келтирилди. 20 киши иш билан таъминланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маҳсулотларимиз сифати ва қадоқланиши билан харидорини топмоқда. Бу, албатта, янги изланишларга ундайди. Юртимизда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, давлатимиз томонидан билдирилган катта ишонч бизга қанот бўляпти. Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги дастгоҳлар жорий этиш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш режамиз бор.

Корхонада истеъмолчи талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда бир ва беш литрлик пластмасса идишларда қадоқланган писта ёғи харидорларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, бу ерда хом ашё қадоқларидан фойдаланиб, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда хўжалик совуни тайёрланмоқда.

## КЎРКАМЛИККА ҲИССА

Тадбиркорлик билан иш юритилаётган корхоналарда нафақат бозорги маҳсулотлар кўпаймоқда, балки сифати ҳам ортиб, жаҳон андозаларига мослиги билан харидорлар талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда.

Албатта, рақобатга чидамли, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлашда замонавий техника ва технологиялар катта роль ўйнагани боис уларнинг қувватидан унумли фойдаланиш баробарида кўплаб корхоналарда цехларни модернизация қилишга эътибор қаратилган. Шу боис ҳам тайёрланаётган товарлар тури ортиб, сифати юқорилик борапти.

Ўз маҳсулотлари билан бунёдкорликка муҳим ҳисса қўшаётган ва қурувчиларга ҳақиқий мададкор бўлаётган «Tezin tom Ltd» қўшма корхонаси ички бозорда ўз ўрнини топиб, чет элдан ҳам буюртмачиларни жалб этмоқда. Айниқса, йилдан йилга цехларнинг янги хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланаётгани, корхона мутахассисларининг чет давлатларда малака оширишлари қаратилган эътибор ривожланишида муҳим омили бўлмоқда.

Бинолар кўригига кўрк қўшадиган металл черепицалар ишлаб чиқаришда мамлакатимизда етакчилардан саналган мазкур корхонада бугунги кунга келиб профили томончиликлар, том ва девор панеллари, металл дарвоза ва панжаралар, лок-бўёқ маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда. Сирасини айтганда, корхонада янги лойиҳалар устида тинмай ишланади. Яқинда пластик ашик ва ромлар тайёрлайдиган цехнинг ишга туширилиши ҳам ана шундай ташаббус ва изланиш натижасидир.

100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган қўшма корхонада талаб ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда буюртмаларни етказиб бериш баробарида ўрнатиб бериш хизмати ҳам ташкил этилган.

## ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЛАР

Мамлакатимиз мебелсозларининг ютуқлари бугунги кунда ўзига яраша. Буни авваламбор харидорлар эътироф этмоқда.

2005 йилда фаолият бошлаган ва айтилган 50 нафар малакали мебелсозлар жамоасига айланган «FWS Union» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам бу борадаги ўрни ортиб бормоқда. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, янги дизайнлиги мебел турлари яратилаётган бу корхонада аввало харидор талаби ва эҳтиёжи биринчи ўринда туради. Буюртмаларни кўпайтириш учун сифатга эътибор қилиб.

— Бугунги кунда 50 турдаги мебел маҳсулотлари юксак унумли технологик линиялар ёрдамида тайёрланмоқда, — дейди технолог Фахриддин Сирожиддинов. — Ошхона, офис, ётоқхона, меҳмонхона мебеллари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Давлат стандартларига мос ўқув юрлари учун мўлжалланган мебел жиҳозларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Ўтган йилда янги дизайнлиги мустаҳкам парталаримиз билан буюртмачиларни хушнуд этдик. Шунингдек, мажлислар зали учун мўлжалланган уч ўриндиқли креслаларимиз ҳам харидорларнинг.

Жорий йилда Хитойдан яна бир янги дастгоҳ келтириш режаланган. Жамоанинг эзгу ниятларидан яна бири четдан харидорларни жалб этиб, экспортни йўлга қўйишдир.

Шарофат БАҲРОМОВА



